<p>- Фондлар кайтими бажарилиши 85,3 фоизни ташкил этиб СМК 8,53</p> <p>- Ишлаб чиқариш қўвватидан фойдаланиш даражаси бажарилиши 109,1 фоизни ташкил этиб СМК 5,46</p> <p>- Энергия самарадорлиги (ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибидаги энергия ҳаражатларининг улуши) даражаси бажарилиши 121,5 фоизни ташкил этиб СМК 18,22</p> <p>- Экскаватор паркдан фойдаланиш коэффициенти бажарилиши 103,4фоизни ташкил этиб СМК 10,34</p> <p>- Темир йўл паркдан фойдаланиш коэффициенти бажарилиши 83,8 фоизни ташкил этиб СМК 8,38</p> <p>- Автомобиллар паркдан фойдаланиш коэффициенти бажарилиши 69,7 фоизни ташкил этиб СМК 6,97</p> <p>- Кадрлар тайёрлаш ҳаражатлари, битта кадрга нисбатан 169,5 фоизни ташкил этиб СМК 8,48</p> <p>- Кадрлар алмашинуви даражаси бажарилиши 101,8 фоизни ташкил этиб СМК 5,09</p> <p>- Кредит тўловлари бажарилиши 127,9 фоизни ташкил этиб СМК 6,40</p> <p>- Кўмир қазиб олишда фойдали қазилма бойликларни бажариш кўрсаткичи 48,6 фоизни ташкил этиб СМК 2,43</p> <p>Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичлари 191,9 қўшимча муҳим кўрсаткичлари 108,2 ташкил этади.</p> <p>Жамиятнинг <b>2025-йил 1-чорак якунлари бўйича</b> самарадорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари.</p>	<p>- Return on assets was 85.3%, with an KPI of 8.53.</p> <p>- Utilization rate of production capacity was 109.1%, with an KPI of 5.46.</p> <p>- Energy efficiency (share of energy costs in the structure of production expenses) was 121.5%, with an KPI of 18.22.</p> <p>- Excavator fleet utilization coefficient was 103.4%, with an KPI of 10.34.</p> <p>- Railway fleet utilization coefficient was 83.8%, with an KPI of 8.38.</p> <p>- Automobile fleet utilization coefficient was 69.7%, with an KPI of 6.97.</p> <p>- Staff training costs per person were 169.5%, with an KPI of 8.48.</p> <p>- Staff turnover rate was 101.8%, with an KPI of 5.09.</p> <p>- Credit payments completion was 127.9%, with an KPI of 6.40.</p> <p>- Indicator for the extraction of valuable mineral resources in coal mining was 48.6%, with an KPI of 2.43.</p> <p>The key performance indicators for the company for 2024 are 191.9, and the additional important indicators are 108.2.</p> <p>The main and additional key performance indicators for the company <b>for the first quarter of 2025:</b></p>
---	--



<p>- Махалийлаштириш дастури ижросини таъминлаш бажарилиши 104,4 фоизни ташкил этиб СМК 4,2</p>	<p>- The implementation of the localization program was achieved at 104.4%, with an KPI of 4.2.</p>
<p><u>Самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсаткичлари:</u></p>	<p><u>Additional Key Performance Indicators of Efficiency:</u></p>
<p>- Асосий воситаларини эскириш даражаси бажарилиши 137,9 фоизни ташкил этиб СМК 6,9</p>	<p>- The level of depreciation of fixed assets achieved 137.9%, with an KPI of 6.9.</p>
<p>- Асосий воситаларининг янгиланиш даражаси бажарилиши 3,4 фоизни ташкил этиб СМК 0,2</p>	<p>- The rate of renewal of fixed assets achieved 3.4%, with an KPI of 0.2.</p>
<p>- Меҳнат унумдорлиги бажарилиши 99,2 фоизни ташкил этиб СМК 9,9</p>	<p>- Labor productivity achieved 99.2%, with an KPI of 9.9.</p>
<p>- Фондлар кайтими бажарилиши 234,4 фоизни ташкил этиб СМК 23,4</p>	<p>- Return on assets achieved 234.4%, with an KPI of 23.4.</p>
<p>- Ишлаб чиқариш қўвватидан фойдаланиш даражаси бажарилиши 100,0 фоизни ташкил этиб СМК 5,0</p>	<p>- The utilization rate of production capacity achieved 100.0%, with an KPI of 5.0.</p>
<p>- Энергия самарадорлиги (ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибидаги энергия ҳаражатларининг улуши) даражаси бажарилиши 124,7 фоизни ташкил этиб СМК 18,7</p>	<p>- Energy efficiency (the share of energy costs in production costs) achieved 124.7%, with an KPI of 18.7.</p>
<p>- Экскаватор паркдан фойдаланиш коэффиенти бажарилиши 83,9 фоизни ташкил этиб СМК 8,4</p>	<p>- The utilization coefficient of the excavator fleet achieved 83.9%, with an KPI of 8.4.</p>
<p>- Темир йўл паркдан фойдаланиш коэффиенти бажарилиши 100,0 фоизни ташкил этиб СМК 10,0</p>	<p>- The utilization coefficient of the railway fleet achieved 100.0%, with an KPI of 10.0.</p>
<p>- Автомобиллар паркдан фойдаланиш коэффиенти бажарилиши 81,8 фоизни ташкил этиб СМК 8,2</p>	<p>- The utilization coefficient of the vehicle fleet achieved 81.8%, with an KPI of 8.2.</p>
<p>- Кадрлар тайёрлаш ҳаражатлари, битта кадрга нисбатан 70,7 фоизни ташкил этиб СМК 3,5</p>	<p>- Personnel training expenses per employee achieved 70.7%, with an KPI of 3.5.</p>
<p>- Кадрлар алмашинуви даражаси бажарилиши 99,8 фоизни ташкил этиб СМК 5,0</p>	<p>- The turnover rate of personnel achieved 99.8%, with an KPI of 5.0.</p>
<p>- Кредит тўловлари бажарилиши 83,8 фоизни ташкил этиб СМК 4,2</p>	<p>- Credit payments achieved 83.8%, with an KPI of 4.2.</p>

<p>- Кўмир қазиб олишда фойдали қазилма бойликларни бажариш кўрсаткичи 63,4 фоизни ташкил этиб СМК 3,2</p> <p>Жамиятнинг 2025-йил 1-чорак якуни бўйича самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичлари 374,8 кўшимча муҳим кўрсаткичлари 106,6 ташкил этади.</p> <p>Жамиятнинг фаолият самарадорлигининг асосий ва кўшимча кўрсаткичларини бажарилиши илова қилинади.</p> <p>Кун тартибидаги ушбу масала Кузатув кенгаши томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.</p> <p><b>Овоз бериш натижалари:</b>  <b>Тарафдор - 8 Қарши – 0 Бетараф – 0</b></p> <p><b>Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:</b>  -“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг 2024-йил якуни ва 2025-йил 1-чорак иш фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи етарли даражада бажарилганлиги мақуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин.</p>	<p>- The indicator of useful mineral wealth in coal mining achieved 63.4%, with an KPI of 3.2.</p> <p>The company's key performance indicators for efficiency for the first quarter of 2025 are 374.8, and additional important indicators are 106.6.</p> <p>The performance of the company's key and additional indicators has been added.</p> <p>This issue on the agenda has been thoroughly reviewed by the Supervisory Board and put to a vote for decision-making.</p> <p><b>Voting Results:</b>  <b>In favor: 8 Against: 0 Abstained: 0</b></p> <p><b>Decision Made on the Third Agenda Item:</b>  - Approve and take note that the KPI (Key Performance Indicators) of Uzbekcoal JSC for 2024 and the first quarter of 2025 have been sufficiently met.</p>
<p><b><u>4. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:</u></b></p> <p>Жамиятда трансформация жараёнлари бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берилди.</p> <p><b>1. Трансформация масалалари бўйича бош директор ўринбосари ва офис фаолияти:</b></p> <p>«Ўзбеккўмир» АЖДа Жамият ижро этувчи органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Ҳозирда юқори</p>	<p><b><u>4. On the fourth item of the agenda:</u></b></p> <p>Information was provided regarding the work carried out on the transformation process within the company.</p> <p><b>1. Transformation Issues and Office Activities:</b></p> <p>A position of First Deputy of the Executive Body for Transformation Issues was introduced at Uzbekcoal JSC. Currently, the process of forming the transformation office</p>

малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда трансформация офисини шакллантириш жараёни олиб борилмоқда.

**2. Стратегияни амалга ошириш**  
«ЎзгеорангметЛИТИ» МЧЖ лойиҳа институти томонидан дастлабки техник-иқтисодий асос (ТИА) ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун Экспертиза марказига тақдим этилган. ТИА тасдиқлангач, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган стратегия ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган ТИА 2025–2030 йилларда корхона ривожланиш стратегияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

**3. 2025 йил учун бизнес-режа:**  
«Ўзбеккўмир» АЖнинг 2025 йил учун бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 27 ноябрдаги №7-2024-сонли қарори билан тасдиқланди.

**4. Корxonанинг операцион модели ва ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш:**

Жамиятнинг янги тузилмаси трансформация жараёнлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди ва тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим этилди. Жамиятнинг ноасосий активлари бўйича қисман инвентаризация ўтказилди, уларнинг бир қисми амалдаги қонунчилик тартибида реализация қилинди. Солиқ юкини камайтириш ва харажатларни оптималлаштириш мақсадида мулкни ўрганиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Жамият раҳбарияти учун КРІ (асосий самарадорлик кўрсаткичлари)ни баҳолаш тизими жорий этилди. Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари ва филиаллари самарадорлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилмоқда.

is underway, with the involvement of highly qualified specialists.

**2. Strategy Implementation:**  
The preliminary Feasibility Study (FS) was developed by the design institute “UzgeorangmetLITI” LLC and submitted to the Expert Center for approval. Once the FS is approved, a strategy will be developed and submitted for approval by the Supervisory Board. The approved FS will serve as the basis for the company’s development strategy for the years 2025–2030.

**3. Business Plan for 2025:**  
The business plan for Uzbekcoal JSC for 2025 was approved by the decision of the company's Supervisory Board No. 7-2024, dated November 27, 2024.

**4. Development of the operational model and organizational structure of the company:**

The company’s new structure was developed considering the requirements of the transformation processes and submitted for approval to the Supervisory Board. A partial inventory of non-core assets was conducted, and some of them were sold in accordance with the current legal regulations. Work on the study of property continues with the aim of reducing the tax burden and optimizing costs. A KPI (Key Performance Indicators) evaluation system has been implemented for the company’s leadership. A methodology for assessing the effectiveness of structural units and branches of the company is being developed.

#### **5. Харид жараёни бўйича аудит (форензик):**

2025-йилнинг 3-чорагида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида харид жараёни бўйича «форензик» аудит ўтказиш режалаштирилмоқда.

#### **6. Жамиятнинг 2035-йилгача бўлган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш:**

«Ўзгеорангметал» МЧЖ лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган стратегия бўйича Экспертиза марказидан ижобий хулоса олингандан сўнг, ушбу стратегия тасдиқланади.

#### **7. Хатарларни бошқариш тизимини жорий этиш:**

Жамият Консультант билан ҳамкорликда ходимлар учун ўқув машғулотларини ташкил этмоқда, шунингдек ISO 31000 стандарти асосида хатарларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси берилди. COSO ва ISO 31000 стандартлари мазмун жиҳатидан бир-бирини такрорлагани сабабли, Жамият Консультантдан фақат бир халқаро стандарт асосида хатарларни бошқариш тизимини тасдиқлаш ва жорий этиш бўйича тасдиқ сўради.

#### **8. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш методикасини ишлаб чиқиш:**

Жамиятнинг инвестициялар бўлими мутахассислари учун лойиҳаларни босқичма-босқич (Stage Gate усули) юритиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Барча лойиҳалар Жамиятнинг тегишли тузилмавий бўлинмалари ташаббуси билан амалга оширилади ва ҳар бир босқичда лойиҳанинг жорий ҳолати ва истиқболлари барча манфаатдор томонлар иштирокида мувофиқлаштириб борилади.

#### **5. Procurement process audit (forensic):**

A forensic audit of the procurement process is planned for the third quarter of 2025 with the aim of increasing the effectiveness of the fight against corruption.

#### **6. Development of the company's development strategy until 2035:**

The strategy developed by the project institute "Uzgeorangmetal" LLC will be approved after receiving a positive conclusion from the Expert Center.

#### **7. Implementing a Risk Management System:**

The company is organizing training sessions for employees in cooperation with a consultant, and the task of developing a risk management system based on the ISO 31000 standard has been assigned. Since the COSO and ISO 31000 standards are content-wise repetitive, the company requested the consultant to approve and implement a risk management system based on only one international standard.

#### **8. Developing a Methodology for Managing Investment Projects:**

Training sessions are being held for the company's investment department specialists on managing projects step by step using the Stage Gate method. All projects will be initiated by the relevant structural units of the company, and at each stage, the current status and prospects of the project will be coordinated with the participation of all stakeholders.

**9. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО)га ўтиш, ички аудитни трансформация қилиш ва хатарларни бошқариш тизимини жорий этиш:**

“UzAssets” АЖ томонидан ушбу вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш ва кузатиб бориш учун халқаро консултант **Ernst & Young (EY)** жалб этилган. 2025-йил 10-апрел кунини “Ўзбеккўмир” АЖ мутахассислари ва консултант жамоаси ўртасида дастлабки (kick-off) учрашув ўтказилди. Унда дастлабки ҳаракатлар, жамиятнинг масъул ходимлари, ходимларни ўқитиш режаси ва консултация жадваллари келишиб олинди.

EY консултантлари мазкур масалада энг яхши халқаро тажрибаларни жорий этишда кўмак беради.

Ҳозирги пайтда консултант жамиятнинг молиявий ҳужжатларини ўрганиш ва ходимларни ўқитиш ишларини амалга оширмоқда.

**10. UzAssets методологияси асосида мақсадли IT-архитектурани ишлаб чиқиш, IT-лойиҳаларнинг устувор портфелини шакллантириш ва уни амалга оширишни таъминлаш:**

Жамият мутахассислари томонидан IT-архитектурани шакллантириш учун дастлабки концепция ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун “UzAssets”га тақдим этилган. Концепция маъқуллангач, уни жорий этиш учун харидлар режаси ишлаб чиқилади

**11. ESG стратегиясини жорий этиш бўйича консултант билан ҳамкорликда “UzAssets” томонидан ишчи музокаралар ташкил этилди.**

Ҳозирда жамиятда ESG (Экология, Ижтимоий масъулият ва Корпоратив

**9. Transition to International Financial Reporting Standards (IFRS), Transformation of Internal Audit, and Implementing a Risk Management System:**

“UzAssets” JSC has engaged the international consultant Ernst & Young (EY) to assist and monitor the implementation of these tasks. On April 10, 2025, an initial kick-off meeting was held between the specialists of Uzbekcoal JSC and the consulting team. At the meeting, the initial actions, responsible company employees, training plans, and consultation schedules were agreed upon.

The EY consultant will assist in implementing best international practices for this matter.

Currently, the consultant is working on reviewing the company's financial documents and providing training to employees.

**10. Developing a Targeted IT Architecture Based on the UzAssets Methodology, Forming a Priority IT Projects Portfolio, and Ensuring its Implementation:**

The company's specialists have developed an initial concept for shaping the IT architecture, which has been submitted to “UzAssets” for review. After the concept is approved, a procurement plan will be developed for its implementation.

**11. Implementing an ESG Strategy in Collaboration with the Consultant:**

“UzAssets” has organized working negotiations with a consultant on

бошқарув) стратегиясини жорий этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Бу жараён экология ва социология соҳаларидаги тадқиқотлар натижаларига асосланган.

Асосий талаблар келишилган, ҳозирда консултант томонидан харидлар режаси лойиҳаси ва ҳар бир компонент бўйича техник топшириқларни келишиш жараёни кетмоқда.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор - 8 Қарши – 0 Бетараф – 0**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

-“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг 2024-йилда трансформация жараёнлари бўйича амалга оширилган ишлари маълумот учун қабул қилинсин.

- Жамият ижро этувчи органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари келгусида жамият Кузатув кенгашига ҳар чоракда жамиятнинг трансформация жараёнлари бўйича ҳисобот топширишни йўлга қўйсин.

implementing the ESG (Environmental, Social Responsibility, and Corporate Governance) strategy. Currently, a plan of actions for implementing the ESG strategy is being developed, based on research results in the fields of ecology and sociology.

The main requirements have been agreed upon, and the process of agreeing on the procurement plan and technical assignments for each component is underway.

**Voting Results:**

**In favor: 8 Against: 0 Abstained: 0**

**Decision on the fourth agenda item:**

- The work carried out on the transformation processes of Uzbekcoal JSC in 2024 is accepted for information.

- The first deputy of the head of the executive body of the company, responsible for transformation issues, will ensure that a report on the company’s transformation processes is submitted to the Board of Directors at the end of each quarter.

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала**

**бўйича:**

“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2024-йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш масаласи бўйича Жамият бош ҳисобчиси куйидагиларни айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 16-майдаги ПҚ-159-сонли қарорининг 2-бандига асосан жамият йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлашда мазкур қарорнинг 3-иловасида келтирилган кўмир қазиб олиш ҳажмларини ошириш бўйича “Йўл харитаси”да амалга оширилиши

**5. On the Fifth Agenda Item:**

The Chief Accountant of Uzbekcoal JSC stated the following regarding the distribution of the company’s net profit for the year 2024.

In accordance with paragraph 2 of the Decree PQ-159 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 16, 2023, the proposal regarding the allocation of net profit for the year in the distribution of the company’s profit, as outlined in the "Roadmap" for increasing coal production

белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифи мақбулланган.

Шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025-йил 28-февралдаги 07/29-2-4547-сонли хатида, Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши бўлган юридик шахслар 2025-йилнинг 1-июлига қадар 2024-йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоиз миқдорида ажратмалар, давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва 2025-йил 1-сентябрдан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказиши белгиланганлигини инобатга олган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда корхонанинг 2024-йил соф фойдасидан бюджетга ҳисобланадиган дивидендларнинг тўлиқ тўланиши бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш сўралган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддаси ҳамда Жамият уставига асосан жамият устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилиши ва шу миқдорга етқунига қадар, соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар йилги мажбурий ажратмалар жамият захира фондига ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 24-сонли қарорининг 3-бандига асосан хўжалик бошқаруви органлари ва йирик

volumes presented in Annex 3 of the decree, is approved. This proposal involves directing the funds for the financing of the measures outlined in the Roadmap.

Furthermore, according to the letter No. 07/29-2-4547 of the Ministry of Economy and Finance dated February 28, 2025, and based on the Law of the Republic of Uzbekistan “On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2025,” it is stipulated that state enterprises and legal entities with 50 percent or more state ownership must allocate 50 percent of their net profit for 2024 as dividends on the state share and transfer them to the respective levels of the state budget no later than September 1, 2025. In view of this, it was requested to take the necessary measures to ensure the full payment of dividends from the company’s net profit for 2024 to the state budget in accordance with the established legal procedures.

According to Article 32 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights" and the Charter of the Company, a reserve fund of at least 15 percent of the company's charter capital must be established, and until this amount is reached, at least 5 percent of the annual net profit must be allocated to the reserve fund of the company each year.

In accordance with paragraph 3 of the Resolution No. 24 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 12, 2018, a fund for supporting innovative

давлат корхоналарида Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда) ташкил қилиш, мазкур субъектлар соф фойдасининг 10 фоизи миқдоридаги ажратмаларни унинг маблағларини шакллантириш манбаи этиб белгилаш кўрсатиб ўтилган.

“Ўзбеккўмир” АЖда 2024 йил якуни бўйича 36 882 732 000 сўм соф фойда олинган бўлиб, жамиятнинг “Бухгалтерия баланси”да ўтган йиллар мобайнида кўрилган қопланмаган зарарлар қолдиғи йил бошига 75,5 млрд.сўмни йил якунида эса 46,0 млрд.сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ, қайд этилган соф фойда автоматик тарзда биринчи навбатда корхонанинг мавжуд кўрилган зарарларини қоплашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасида акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Қонуннинг 51-моддасига асосан дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланиши, имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган

activities should be established in the economic management bodies and large state enterprises (without establishing a legal entity), and 10 percent of the net profit of these entities should be allocated as the source for forming the fund's resources.

At Uzbekcoal JSC, a net profit of 36,882,732,000 UZS was obtained for the year 2024. As of the beginning of the year, the company's "Balance Sheet" showed an outstanding loss of 75.5 billion UZS from previous years, which by the end of the year decreased to 46.0 billion UZS. In accordance with the law on "Accounting," the recorded net profit will automatically be allocated primarily to cover the existing losses of the enterprise.

According to Article 50 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights," the decision on the payment of dividends for each type of shares, the amount of dividends, and the form and procedure for their payment must be made based on the recommendation of the Supervisory Board of the company. This decision must be adopted by the general meeting of shareholders, provided that the financial report is audited and reliable.

In accordance with Article 51 of the Law, when paying dividends, priority is given to preferred shares, followed by ordinary shares. If there is sufficient profit to pay the fixed dividends on preferred shares, the company is not entitled to refuse to pay dividends to the holders of such shares. If the company

тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда 2024-йил якуни бўйича соф фойданинг 5 фоизини жамият заҳира фондига, 10 фоизини Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига, 84 фоизини кўмир қазиб олиш ҳажмларини ошириш бўйича “Йўл харитаси”да амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришга ва ўтган йиллар мобайнида кўрилган зарарларни қоплашга, 1 фоизини жамиятнинг имтиёзли акцияларига дивидендлар ҳисоблашга йўналтириш, жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ўтган йиллар мобайнида кўрилган қопланмаган зарарларни инобатга олган ҳолда оддий акциялар ва давлат улушига дивиденд ҳисобламаслик таклиф қилинди.

Муҳокама давомида Жамият Кузатув кенгаш аъзоси Самандаров Талъат Йўлдашевич юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг 2024-йил якунлари бўйича соф фойдасининг 50 фоиз миқдоридagi ажратмаларни (бюджетга ҳисобланадиган дивидендларни) қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ тўлаш кераклиги ва юқоридаги Жамият соф фойдасини тақсимлашда бюджетга ажратилиши керак бўлган маблағлар ажритилмаганлиги сабабли ушбу масалага қарши овоз беришини айтиб ўтди.

refuses, shareholders are entitled to demand the payment of dividends through legal means.

Taking the above into account, it was proposed to allocate the net profit for the year 2024 as follows: 5% to the company’s reserve fund; 10% to the Innovation Support Fund; 84% to finance the measures outlined in the “Roadmap” aimed at increasing coal production volumes and to cover the accumulated losses from previous years; 1% to calculate dividends on the company’s preferred shares. Based on the company’s financial condition and considering the uncovered losses from previous years, it is proposed not to calculate dividends on ordinary shares and the state’s share.

During the discussion, a member of the Company’s Supervisory Board, Talat Yuldashevich Samandarov, stated that in order to ensure the implementation of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2025,” it is necessary to fully pay the allocations (dividends payable to the budget) in the amount of 50 percent of the Company’s net profit for 2024 in accordance with the procedures established by law. He also noted that, since the specified amount of allocations to the budget has not been included in the proposed distribution of the Company’s net profit, he would vote against the matter.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор - 7 Қарши – 1 Бетараф – 0**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

1. Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2024 йил якуни бўйича 36 882 732 000 сўм соф фойдани тақсимлаш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига куйидагилар тавсия этилди:

- Жамиятнинг захира фондига – 1 844 136 600 сўм;

- Иновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига – 3 688 273 200 сўм;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда оддий акциялар ва давлат улуши бўйича дивиденд тўлашга - 0,00 сўм;

- Жамият имтиёзли акциялар бўйича (жамият уставига мувофиқ 25 фоиз) ҳар бир 1 471 050 дона имтиёзли акция учун 250 сўмдан жами - 367 762 500 сўм миқдорида дивидендлар ҳисоблашга;

- Кўмир қазиб олиш ҳажмларини ошириш бўйича “Йўл харита”да амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш ҳамда ўтган йиллар мобайнида кўрилган зарарларни қоплашга – 30 982 559 700 сўм.

- имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 календар кун ичида тўлаш муддати билан акциядорларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказиш шаклида тўлашни.

2. Юқоридаги Кузатув кенгашининг тавсияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиши учун киритилсин.

**Voting Results:**

**In Favor – 7 Against – 1 Abstained – 0**

**Decision on the Fifth Agenda Item:**

1. Based on the results of the voting, the Supervisory Board members of the company recommended the following to the General Meeting of Shareholders regarding the distribution of the net profit in the amount of 36,882,732,000 UZS for the year 2024:

- To allocate 1,844,136,600 UZS to the Reserve Fund of the Company;

- To allocate 3,688,273,200 UZS to the Innovation Support Fund;

- To allocate 0.00 UZS for the payment of dividends on ordinary shares and the state share of the Company;

- To calculate and allocate 367,762,500 UZS in dividends for preferred shares (in accordance with the Company’s Charter, 25%), at 250 UZS per share for a total of 1,471,050 preferred shares;

- To allocate 30,982,559,700 UZS for financing measures outlined in the “Roadmap” for increasing coal production volumes and for covering accumulated losses from previous years;

- To pay the dividends on preferred shares to shareholders within 60 calendar days from the date of the decision of the General Meeting of Shareholders, by transferring the amount to the shareholders’ bank accounts.

2. The above proposal shall be submitted for consideration at the General Meeting of Shareholders.

## 6.Кун тартибдаги олтинчи масала

### бўйича:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 108-моддасида активларнинг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши, ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдорлиги шунингдек Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиши ва баҳолаши белгиланган.

Қонуннинг 75-моддаси ҳамда Жамият Уставининг 8.3.-бандига мувофиқ Жамиятда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориши шунингдек, акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси varaғига киритилган Жамият ички аудит хизмати ўз фаолиятида Жамият Кузатув кенгаши ва унинг Аудит ва хавфларни бошқариш қўмитасига ҳисобдордирлиги белгиланган.

## 6.On the sixth item of the agenda:

According to Article 108 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights”, a company whose assets’ balance value exceeds one hundred thousand times the base calculation amount is required to establish an internal audit service. This internal audit service reports to the Supervisory Board of the company. The internal audit service is tasked with monitoring and evaluating the activities of the company’s executive body, branches, and representative offices by verifying compliance with legislation, the company’s charter, and other internal documents; ensuring the completeness and reliability of data in accounting and financial reporting; adherence to established procedures and regulations for conducting business operations; the safeguarding of assets; and compliance with legal requirements related to corporate governance.

According to Article 75 of the Law and Clause 8.3 of the Company Charter, the establishment of an internal audit service, appointment of its staff, and quarterly review of its reports are stipulated. Additionally, in a company whose shares are listed on the stock exchange’s quotation list, the internal audit service is accountable to the company’s Supervisory Board and its Audit and Risk Management Committee.

Жамият ички аудит хизматига Рузибоев Бахтиёр Эргашович ва Цай Денис Михайлович номзодлари тайинлаш таклиф этилди (*маълумотномалари илова қилинади*).

Юқоридаги масала Кузатув кенгаш аъзолари томонидан номзодлар ўрганиб чиқилди ва овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор - 8 Қарши – 0 Бетараф – 0**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

1. Жамият ички аудит хизматининг Низоми, 2025-йилга мўлжалланган иш режаси ва смета харажатлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Рузибоев Бахтиёр Эргашович ҳамда Цай Денис Михайловичлар Жамият Ички аудит хизмати ходимлар этиб тайинлансин ва улар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин.
3. Жамият Ички аудит хизмати ўз фаолиятида Жамият Кузатув кенгашига ва Кузатув кенгаши хузуридаги Аудит ва хавфларни бошқариш кўмитасига ҳисобдордирлиги белгилаб қўйилсин.

The candidates proposed for appointment to the Company's internal audit service are Ruziboev Bakhtiyor Ergashovich and Sai Denis Mikhailovich (*their resumes are attached*).

The above matter was reviewed by members of the Supervisory Board, the candidates were considered, and the issue was put to a vote.

**Voting results:**

**In favor – 8 Against – 0 Abstained – 0**

**Decision on the sixth item of the agenda:**

1. The Charter of the Company's Internal Audit Service, the 2025 work plan, and the budget estimates shall be approved in accordance with the attached documents.
2. Bakhtiyor Ergashovich Ruziboev and Denis Mikhailovich Tsai shall be appointed as employees of the Company's Internal Audit Service, and employment contracts shall be concluded with them in the prescribed manner.
3. It shall be established that the Company's Internal Audit Service, in the course of its activities, is accountable to the Supervisory Board and to the Audit and Risk Management Committee under the Supervisory Board.

**7.Кун тартибидаги еттинчи масала**

**бўйича:**

Жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларинг олдини олиш ва чек қўйиш, коррупция оқибатларини, шунингдек, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Жамиятнинг коррупцияга қарши кураш хизматининг ҳисоботи кўриб чиқиш учун киритилди (*ҳисобот илова қилинади*).

**7.Regarding the seventh item on the agenda:**

The report of the Company's Anti-Corruption Service regarding the work carried out to detect, prevent, and eliminate corruption offenses, address the consequences of corruption, prevent conflicts of interest, and eliminate identified issues was submitted for review (*report attached*).

<p><b>Овоз бериш натижалари:</b> Тарафдор - 8 Қарши – 0 Бетараф – 0</p> <p><b>Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:</b> -“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти коррупцияга қарши кураш хизматининг 2024-йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботи мақуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин.</p>	<p><b>Voting results:</b> In favor – 8 Against – 0 Abstained – 0</p> <p><b>Resolution adopted on the seventh item of the agenda:</b> - The report of the Anti-Corruption Service of the Uzbekcoal JSC on the work carried out in 2024 is approved and taken into consideration.</p>
<p><b><u>8.Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:</u></b></p> <p>Жамият Кузатув кенгашининг 2024-йил мобайнида ўтказилган йиғилишлари кун тартибидаги масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан маълумот кўриб чиқиш учун киритилди (<i>маълумот илова қилинади</i>).</p> <p><b>Овоз бериш натижалари:</b> Тарафдор - 8 Қарши – 0 Бетараф – 0</p> <p><b>Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:</b> -“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши йиғилишларида қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p>	<p><b><u>8. On the eighth item of the agenda:</u></b></p> <p>Information on the implementation of the decisions made on the agenda items of the meetings held by the Company’s Supervisory Board in 2024 was submitted for review (<i>information attached</i>).</p> <p><b>Voting results:</b> In favor – 8 Against – 0 Abstained – 0</p> <p><b>Decision adopted on Agenda Item Eight:</b> - The implementation of the decisions adopted at the meetings of the Supervisory Board of Uzbekcoal JSC and the timely execution of those decisions shall be accepted for information.</p>
<p><b><u>9.Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:</u></b></p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025-йил 27-майдаги 08/29-3-11704-сонли хатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 21-апрелдаги “2025-йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ-70-сонли Фармони ва 2025-йил 21-апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик</p>	<p><b><u>9. Regarding the ninth item on the agenda:</u></b></p> <p>According to letter No. 08/29-3-11704 of the Ministry of Economy and Finance dated May 27, 2025, the following instructions have been given in connection with the implementation of the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan No. PF-70 dated April 21, 2025, "<b>On the Privatization</b></p>

